

УЎТ: 631:15:33:021
**ҮРМОН ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ**

Бердиева Сарвиноз Абдималиковна
Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида
Стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар
халқаро маркази докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўрмоннинг ўзига хос тури сифатида иқтисодий фойдаланиш қиймати, шунингдек ресурсларнинг тўпланиши ва назарий асослари акс эттирилган.

В этой статье отражена ценность хозяйственного использования как специфического вида леса, а также накопление и теоретическая основа ресурсов.

This article reflects the value of economic use as a specific type of forest, as well as the accumulation and theoretical basis of resources.

Ўрмон хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожланиши мамлакатни мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш умумий стратегиясини муҳим қисми ҳисобланади.

Республикада ўрмонларни барқарор ривожланиши уларни самарали, ҳимоя ва бошқа функциялари мувозанатини сақлашга асосланиши керак. Бундан ташқари, ўрмон хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи асосий компонентлар, илгари ҳал қилувчи иқтисодий ва тижорат нуқтаи назаридан фарқли ўлароқ, ўрмонларнинг экологик-ижтимоий функциялари сифатида тан олинган.

Ўрмонлар нафақат мўтадил, балки бошқа турдаги ўрмонларнинг қоплами атроф-муҳит ҳолатини, шу жумладан умуман табиий ҳолатни сақлашни белгилайди. Ўрмон турларнинг хилма-хиллигини йўқотиш аҳолининг озиқ-овқат, уй-жой ва маданий эҳтиёжларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларини қондиришни ёмонлашишига олиб келади. Бир томондан, органик хом ашёнинг улкан манбай бўлган ўрмон моддий ишлаб чиқаришда алмаштириб бўлмайдиган бўлиб, ёғочдан олинадиган маҳсулотларни хилма-хиллиги ва миқдори бўйича чекловларга эга эмас, бошқа томондан, ўрмонларни ҳимоя функциялари ҳозирги вақтда инсоннинг яшаш муҳитини белгилайди.

Мамлакат ўрмон ресурсларидан фойдаланишни ҳозирги ҳолати келгуси ўн йилликда ўрмонлардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширишни

назарда тутади, бу географик жойлашувни ўзига хос хусусиятлари, мінтақаны нафақат ікәтисодий, балки бошқа йұналишни ҳам шакллантиришга имкон берадиган табиий ресурсларнинг хилма-хиллиги билан боғлик.

Үрмон хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, үрмон хўжалиги ерларининг ҳолати ва мінтақадаги экологик вазият муаммоларини ҳал қилиш учун табиатдан фойдаланиш ікәтисодиёт тамойиллари билан белгиланади, улардан бири табиий ресурслар ва шароитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, улар жойлашган ерларнинг сифатини яхшилаш ёки сақлаш, табиий мұхитни сақлаш механизмларини изчил жорий этиш жараёнини ўз ичига олади.

Үрмонни барқарор ривожланишига ўтишда ҳал қилиниши керак бўлган асосий вазифалар:

- замонавий үрмон корхоналарида үрмонни самарали бошқариш тамойилларини қўллаш имкониятларини баҳолаш, характеристи хусусиятларни аниқлаш ва үрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш шартлари ва талабларига жавоб берадиган корхоналарнинг янги тузилишини ривожлантириш;
- замонавий техник воситаларнинг барқарор үрмон хўжалиги тизимида мавжуд бўлган ікәтисодий-экологик шароитлар ва талабларга мувофиқлигини баҳолаш.

Республикада үрмон хўжалиги үрмонларни турлари хилма-хиллиги, маҳсулдорлиги ва ҳаётийлиги сақланиб қолган тақдирда уларни сақлаш ва улардан фойдаланиши англаатади.

Үрмон хўжалигини экологик-икәтисодий жиҳатлари табиат ва жамиятни ўзаро таъсирига асосланган бўлиб у қуидагиларни таъминлаши керак:

- үрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бу үрмонлар майдонининг қисқаришига ва уларнинг сифат жиҳатидан ёмонлашишига олиб келмайди;
- үрмонларнинг сув манбаларини муҳофаза қилиш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, атмосферадаги кислород ва карбонат ангидрид мувозанатини таъминлаш, иқлимга барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиш каби асосий функцияларини сақлаб қолиш;
- үрмоннинг асосий афзалликлари ва функцияларига аҳолини жалб қилиш шунингдек, дам олиш масканлари, резавор мевалар, тоза сув ва тоза ҳавога бўлган эҳтиёжини таъминлаш.

Үрмон хўжалиги икәтисодий фаолиятининг асосларидан бири, қўплаб моддий ресурслар олиш манбаи үрмон хўжалиги, ёғочни қайта ишлаш ва пулпа-қоғоз саноати, дам олиш ва туризм, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун асос ҳисобланади. Мамлакат икәтисодиётининг ўсиши қўп жиҳатдан үрмон ресурсларидан қанчалик самарали фойдаланишига боғлиқ.

Ўрмонларни етишириш ва бошқариш ўрмон хўжалигининг бир-бирини тўлдирадиган иккита қўшимча жиҳати бўлиб, иккита таркибий қисми сифатида ишлайди. Уларнинг фарқи ўрмон хўжалигида кўпайиш жараёнини ажратиш ва ўзаро боғлик иккита ишлаб чиқаришни яъни, ўрмон хўжалиги ва ёғочни ажратиш имконини беради.

Биринчисини вазифаси, асосий кесиши ёшига қадар юқори маҳсулдор ва иқтисодий жиҳатдан қимматли ўрмонларни етиширишдир;

Иккинчисини вазифаси эса, халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ёғочни олиш учун пишиб етиши ёшига етган дараҳтларни кесиши. Шу билан бирга, ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг роли ўрмон ресурсларини кўпайтириш билан чекланмайди. Ушбу ишлаб чиқариш яна бир муҳим вазифани ҳал қиласи - бу қулай табиий муҳитни сақлаш учун жуда муҳим бўлган ўрмонларнинг фойдали табиий хусусиятларини сақлаш ва яхшилашни таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги ерлар умумий майдони 2007 йилда 1 январ ҳолатига 8,7 млн. гектар ёки республика умумий майдонининг 18,1 % ини, 2022 йилда эса 1 январ ҳолатига 11,998 млн. гектарга етказилди, ёки жами Республика умумий майдонининг 26,5 фоизини ташкил қилиб, шу билан бирга ўрмон хўжалиги ерларида 3,298 млн. гектар майдонида янги ўрмонзорлар барпо этилди.

Бу жуда катта кўрсаткич бўлиб, мазкур ерлардан ҳозирги кунда самарали фойдаланилмоқда. Шундан, ўрмонзор ва бутазорлар майдони 3,2 млн. гектарни ташкил қиласи. Умумий давлат ўрмон хўжалиги ерларининг 81 фоизи чўлхудуди, 16,1 фоизи тоғ худуди, 1,8 фоизи водий худуди, 1,1 фоизи тўқай худудидан иборат.

Ўрмон хўжалиги ерлари ўзлаштириш ишлари жадал суръатлар билан давом этмоқда. Асосий эътибор кўпроқ кислород ишлаб чиқарувчи дараҳтзорларни кўпайтириш, нихолхона ва кўчатхоналар ташкил этишига қаратилмоқда. Дараҳтзорларни кўпайтиришдан ташқари ўрмон ерларида жойлашган корхоналарда бугунги кунда доривор ўсимликлар, бодом, писта, ёнғоқ каби мевалар етиширилмоқда. Саноатбоп ёғоч етиширишга ҳам катта эътибор қаратилиб, тез ўсадиган терак ва павловния плантациялари барпо этилмоқда.

Республикада айrim кўчатлар талаб юқори бўлганлигини инобатга олиб, ушбу кўчатлар турларини кўпайтириш мақсадида тегишли кўрсатмалар бериш лозим. Шуни ҳисобга олиш керакки, ўрмон хўжалиги ерларига ноёб ва маҳсулдор дараҳтлардан ўрмонзорлар барпо этиши зарур. Лекин, назарий жиҳатдан ўрмонни ҳаётга татбиқ этишда жуда кўп қийинчиликларга олиб келади. Бунинг сабаби шундаки, табиатда ўрмон участкалари майдони,

дарахтзорлар таркиби, бонитети, тўлиқлиги, келиб чиқиши ва бошқалар жиҳатидан сезиларли даражада фарқ қиласди. Шунинг учун тўлиқ тартибга солинадиган оддий ўрмонни амалда камдан-кам учратиш мумкин. Ва шунга қарамай, ўрмон ресурсларини бошқаришда ушбу назарий модели энг мақбулдир. Унга риоя қилиш, умуман олганда, ўрмондан доимий ва нисбатан бир хил фойдаланишни, кўпайиш жараёнини молиялаштириш учун зарур бўлган ҳажмда йиллик ўрмон даромадини олишни таъминлайди.

Кўчатларнинг ёш синфлари бўйича бир текис тақсимланиши ўрмон хўжалиги корхоналарининг молиявий мустақиллиги ва ўзини ўзи молиялаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Ўрмонларнинг мақбул ёш таркиби давлатимизнинг миллий хавфсизлиги ва халқ хўжалигининг иқтисодий барқарорлиги учун ҳам муҳимдир.

Мамлакатда ўрмон хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш натижасида, ўрмончилик соҳасини сердаромадлигини ошиши ҳисобига хўжаликларининг моддий-техник базаси ривожланади, ўрмон фонди ерларида ўрмонларни ташкил этиш ишлари жадаллашади, маҳсулот турлари ва уларни етиштириш ҳажми ўрмондан қўшимча фойдаланиш ўсади, соҳада олиб борилаётган фаолиятга илмий ёндашув ортади, ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ошади ва уларни ижтимоий қўллаб-куvvатлаш фаолияти амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ўрмон хўжалиги ҳар йили бошқа турдаги ўрмон маҳсулотларининг максимал микдорда фойда олишни таъминлайди. Ўрмон келажак авлодлар олдидағи мажбуриятларни бажаришга ва уларга ўрмонлардан янада самарали фойдаланиш ва сифатли маҳсулотни олиш, сувни муҳофаза қилиш хусусиятларига эга бўлишга имкон беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Малышев А. А. Формирование эколого-экономической системы: этапы развития [Электронный ресурс] / А. А. Малышев, Ю. А. Кажаева // Современные научные исследования и инновации. – 2015. – № 4, ч. 3. – Электрон. дан. – Режим доступа: <http://web.s nauka.ru/ issues/2015/04/52204>. – Загл. с экрана.
2. Машрапов Х.Т., Рустамов Ж.Т., Буранова Ш.У. Кўқон давлат ўрмон хўжалигидаги маҳаллий писта навлари дараҳтларининг ҳосил таҳлили. Science and innovation. International scientific journal special series “Sustainable forestry” UIF-2022: 8.2\ISSB: 2181-3337